# ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИГА ЎЗЛАШТИРИЛГАН ҚУШ НОМЛАРИ



**Марат ХЎЖАНОВ**
Бердақ номидаги
Қорақалпоқ давлат университети
*marat_xojanov@bk.ru*

**Аннотация**

Қорақалпоқ тили орнитологик лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши бошқа тилларнинг сўзларини ўзлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Қорақалпоқ тили орнитонимларида туркий, монгол, тунгус-манчжур тилларига, шунингдек, араб ва тожик тилига тегишли бўлган баъзи қуш номлари учрайди. Рус тили ва рус тили орқали ўзлаштирилган атамаларни лотин, инглиз, француз, шунингдек, рус тилидан тўғридан-тўғри калькаланган орнитонимлар ташкил этади. Турк-монгол, араб, тожик, рус ва бошқа халқларнинг лисоний алоқалари фақат бир томонлама бўлмаган. Шунинг учун туркий орнитонимларнинг муайян қисми бошқа тилларнинг лексикасига ҳам кириб борди.

**Аннотация**

Формирование орнитологической лексики каракалпакского языка и освоение слов других языков тесно связаны между собой. В орнитонимах каракалпакского языка встречаются названия птиц, соответствующие тюркским, монгольским, тунгусским, арабскому и таджикскому языкам. Они включают заимственные орнитонимы из русского языка, которые в свою очередь образованы прямым переводом (калькой) из латинского, английского, французского. Тюрко-монгольские, арабские, таджикские, русские языковые отношения не бывают односторонними, поэтому определённое количество тюркских орнитонимов вошло в лексику других языков.

**Abstract**

The formulation and development of ornithological lexicology in the Karakalpak language is relatively dependent with assigning words of other languages. It has some birds' names which are the same in Turkish, Mongol, Tungus-manshjur, Arabic, the Persian-Tadjic languages. The ornithological terms assigned from the Russian language consist of Latin, English, French ornithological words as well as there are some ornithological names which were directly traced from the Russian language. There was not only direction of linguistic connection in Turkish-Mongol, Persian, Tajik and Russian. That's why some numbers of the Turkish ornithology had been assigned into lexicology of other languages.

**Калит сўзлар:** туркий-монгол ўзлаштирмалари, араб ўзлаштирмалари, форс-тожик ўзлаштирмалари, рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзлар, калькаланган атамалар.

**Ключевые слова:** тюрко-монгольские заимствования, арабские заимствования, персидско-таджикские заимствования, из русского языка и через русский язык, значения кальки.

**Keywords:** Turkish assigned words, Arabic assigned words, Persian-Tajik assignations, Russian and other languages assigned words which came through the Russian language, traced terms.

Қорақалпоқ тилининг луғат таркиби қорақалпоқ халқининг бир неча асрлик тарихи давомида пайдо бўлганлиги маълум. Шу даврлар ичида у баъзи лексик бирликларнинг пайдо бўлиши билангина эмас, балки бир нечта лексик қатламларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши орқали бойиб борди. Мана шундай лексик қатламларнинг катта бир гуруҳини қуш номлари (орнитонимлар) ташкил этади. Қорақалпоқ тили орнитологик лексикасининг шаклланиши ва ривожланиши бошқа тиллар сўзларини ўзлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, кўпчилик қуш номлари туркий халқларининг бошқа халқлар билан сиёсий ва маданий алоқалари натижасида ўзлаштирилиб, тилнинг луғат таркибидан ўрин эгаллаган. Қуйида бк ўзлашишнинг айримларини кўриб чиқамиз.

1. *Туркий-монгол тилларидан ўзлашган қуш номлари.* Қорақалпоқ тилида туркий тилларга, монгол, тунгус-манчжур тилларига тегишли баъзи қуш номлари сақланган. Масалан, *туўалақ* [бурят, монгол *тоодог*, қалмоқ *тоодг*, эвенк. (тунгус) *тодок*]; *қур* [монгол *хур*, эвенк. (тунгус) *хорохи*]; *бүркит* [бурят, монгол *бургэт*, қалмоқ *бургу*]. Булардан бошқа туркий ва монгол тиллари учун тегишли баъзи атамалар ҳам учрайди. Уларнинг гениологик келиб чиқишини аниқлаш бир қанча қийинчиликлар туғдиради, чунки генетик жиҳатдан олтой тилларининг яқинлиги эски туркий ва монгол алоқалари ҳақида гувоҳлик беради, туркий-монгол ўзлашмалари монгол босқинчилиги даврига тўғри келади ва бундай атамалар туркий-монгол параллеллари деб юритилади (1, 48–49). Масалан, *тазқара* (монгол *тас*); *туйғын* (монгол *тойгон//тойхон*); *суңқар* (монгол *шонхор*); *қаршыға* (монгол *харцага*), *қуў* (монгол *хунг//кунг*).

2. *Араб тилидан ўзлашган қуш номлари*. Бундай орнитонимлар қорақалпоқ тилида жуда оз ва уларнинг кўпчилиги форсий тилда ҳам мавжуд. Шу боис тилшуносликда улар араб-форс ўзлашмалари деб ҳам аталади. Масалан, *таўыс, бирқазан, бүлбүл, ләйлек, қумыры* (2, 131, 138, 149, 178) ва бошқалар. Ушбу атамаларнинг кўпчилиги қорақалпоқ тилига Ўрта Осиёни араблар босиб олганидан сўнг кириб келган бошқа сўзлар каби кучли ассимилияцияга учраган ва шу сабабли сўзловчилар уларга бошқа тил элементи сифатида қарамайди, балки туркий сўзлар қаторида қўллайверади.

3. *Форс-тожик тилидан ўзлашган қуш номлари*. Масалан, *кептер* (форсий-тожик тилида *кафтар, кабутар*); *шөже* (форс-тожик тилида *чўча*); *қораз* (форс-тожик тилида *хурўс*); *тоты* (форс-тожик тилида *тўтӣ*); *заг,*

*ғарға* (форс-тожик тилида *зоғ*). Форс тилида «*заған*» атамаси умумий маънодаги “*ёввойи йиртқич қушлар*”нинг умумий атамасини билдиради. *Суймурық* афсонавий қушнинг атамаси форс-тожик тилида *семурғ//симурғ* шаклларида қўлланилади. *Қумай* (форс-тожик тилида *ҳумо*); *Сар, сарысар* (форс-тожик тилида *сор//соч*); *гүләңгир* – тожик тилида *кулангӣ*, парранданинг йирик тури ва бошқалар.

X асрга келиб, Эрон ва Ўрта Осиё халқлари форс тилини асосий адабий тил сифатида қабул қилди. Бу тил туркий тил билан тенг қўлланилди, ёзма адабиётда кенг тарқалди, натижада бир қанча форс сўзлари халқнинг маданий турмушида теран илдиз отди. Форс тилидаги қуш номларининг ўзлаштирилишига эса, туркий халқларнинг илмий асарларни форсий тилда ёзиши ҳам катта ўрин тутди. Масалан, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида овчи қушлар ҳақида “Бознома” (“Шунқорлар ҳақида китоб”) деб аталган илмий асар кўпчиликка маълум бўлди (3, 46). Унда шунқор ва бошқа овчи қушларни қўлга ўргатиш ва ғамхўрлик қилиш, овчи қушларни самарали кўпайтириш, яхши ва ёмон аҳлоққа эга қушларни ажрата билиш ҳақида тушунчалар, қушлар орасида тарқаладиган турли касалликлар ва қушларни эмлаш йўллари, қушларни овчиликка ўргатиш, қушлар ёрдамида ов қилиш тартиб-қоидалари каби аҳамиятга молик фикрлар баён қилинган.

Бундан ташқари, туркий халқларнинг бошқа халқлар билан кўп асрлик сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари бошқа туркий тилларда бўлгани каби қорақалпоқ тилига ҳам форс-тожик ўзлашмаларининг кириб келишига замин яратди.

4. *Рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган қуш номлари*. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия билан алоқаларнинг фаоллашиши натижасида кўплаб қушларнинг номлари ҳам ўзлаштирилди. Рус тилидан ўзлаштирилган қуш номларига: *атайка, варакушка, вьюрок, гага, гагара, гагарка, дикуша, завирушка, зарянка, звонарь, зяблик, казарка, кайра, качурка, клуш, кукша, лазоревка, мандаринка, моевка, мородунка, морянка, пеночка, ржанка, свиристель, сойка, фифи, чеграва* ва бошқаларни киритиш мумкин.

Рус тили орқали ўзлашган атамаларга, масалан, лотин атамалари – қушларнинг халқаро илмий систематикасидаги номларини киритиш мумкун: *аргус* (лат. *Argusianus argus*), *археоптерикс* (лат. *Archaeopteryx*), *археорнис* (лат. *Archeornis*), *гарпия* (лат. *Harpiya destruktor*), *гесперорис* (лат. *Hesperornis regalis*), *гоацин* (лат. *Opisthosomus hoatzin*), *ихтиорнис* (лат. *Ichthyornis*), *казуар* (лат. *Casuar*), *какаду* (лат. *Cacatuinae*), *момотлар* (лат.

*Momotidae*), *паламедея* (лат. *Palamedea cornuta*), *реа* (лат. *Rheae*), *ремез* (лат. *Remiz pendulinus*), *сутора* (лат. *Suthora* ), *франколин* (лат. *Prancolinus*) (4, 88) ва ҳ.к.

Рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган қуш номларига мисол тариқасида қуйидаги орнитонимларни кўрсатиш мумкун: *пингвин, ябиру* (< инглиз. *pinguin, jabiru*); *кондор* (<исп, *condor*); *тукан* (< бразил. *toucan*), *фаэтон, ибис* (< франц. *phaeton, ibis* ), *фрегат* (< итал. *fregata*), *тулес* (< ненец. *тулесей*); *марабу, альбатрос* атамалари рус тили орқали араб тилидан ўзлаштирилган; *агами, колибри* – француз тили орқали рус тилига, сўнг туркий тилларга (5, 7–8) , шунингдек, қорақалпоқ тилига ҳам кириб келган.

Кўриб ўтганимиздек, юқорида келтирилган орнитонимларнинг кўпчилик қисми – “нотаниш”, Ўрта Осиёга хос бўлмаган фаунани, қушларни ифодалайди, уларнинг муайян қисми Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам, Ўрта Осиёда ҳам учрамайди. Бундай булишининг сабаби “нотаниш” нарсалар ўзлари билан бирга атамаларини ҳам олиб келади, яъни тил жамиятга хос ҳодиса бўлганлиги боис жамиятдаги маданий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бирга янгиликлар тилда, биринчи навбатда, унинг луғавий таркибида ўз кўринишига эга бўлади. Юқорида келтириб ўтилган атамалар ҳам илм-фан ютуқларига боғлиқ ҳолда қорақалпоқ тили лексикасига келиб кирган сўзлардир.

Ўзлашмалар қаторида қорақалпоқ тили орнитологик лексикасида салмоқли ўринни рус тилидан тўғридан-тўғри калькаланган атамалар эгаллайди: *красношейная поганка – қызыл мойынлы сүңгигир, большая белая цапля – үлкен ақ қутан, буревестник – даўылпаз, глухарь – қарқур, ткач – тоқыўшы, крачка белокрылая – аққанатлы шағала* ва бошқалар.

Калькалаш усули турларнинг ва айниқса, турлар ичидаги қўш номларининг асосий қисмида, шунингдек, гуруҳларнинг системалаштирилган маъноларида учрайди: *дала торғайы – жаворонок полевой, киши көлбуға – малая выпь, суўқызыл қуйрық – водяная горихвостка, ала тоқылдаўық – пестрый дятел, ақ қанатлы тоқылдаўық – белокрылый дятел, қанатсыз гагарка – безкрылая гагарка, қырғый үки – ястребная сова, жер шымшықлар – земляные воробьи, жәннет қуслары – райские птицы, тисли қуслар – зубастие птицы, ушыўшы қуслар – летающие птицы, жуўырыўшы қуслар – бегающие птицы, қанатсызлар – бескрылые* ва ҳ.к.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туркий – монгол, араб, форс, тожик, рус ва бошқа халқларнинг лисоний алоқалари фақат бир томонлама

бўлиши мумкун эмас, шу сабабли туркий орнитонимларнинг муайян қисми бошқа тиллар лексикасига ҳам кириб борди. Масалан, монгол тилига туркий тиллардан қуйидаги қўш номлари ўзлаштирилган: *гўгäрчі* – (кқ. көгершин) кабутарнинг бир түри; *такук – таўық, сару қуш – байыўлы, кара куш – бүркит, қарға – ғарға* (6, 130–148) .

Туркий тилларидаги орнитонимларнинг қуйидаги турлари ҳозирги тожик тилида кенг тарқалган: *кеклик, тырна, лашын, торғай, үйрек, шымшық, қарлығаш, бөдене, қасқалдақ, бүркит, ғаз, қырғый, қаршыға, байқус* ва ҳоказо.

Рус тилига туркий тиллардан бир қанча қуш номлари ўзлаштирилган, уларнинг баъзилари “славян қавмлари бирлашмаси” даврида пайдо бўлган қадимги славян-туркий алоқалардан дарак беради. Масалан, *пустельга* (*боз торғай*); *крагуй* (*қырғый*); *балобан* (*палапан*); *коршун* (*суңқар*); *беркут* (*бүркит*); *сарыч//сарыча, қарақус, баклан баклан, баклан каз* (*жабайы ғаз*); *чомга* (эски туркий тилдаги *čотиq// čотүиq*); казарка (*каз – ғаз*); *дудак*; *бугай, гоголь, сапсан, султанка, турухтан*; *сюльгун* (*қырғаўыл*) (7, 86–94). Овланадиган кушларнинг Россия вилоятларидаги атамалари *аклей, ангич, аўлык* (ямаса *аўляк*), *больдурук, качка, соксун* ва бошқалар(8, 26, 33, 42, 85,175–288) .

Туркий тиллардан бошқа тилларга ўзлашган орнитонимларнинг кўпчилик қисми ёввойи, овланадиган қушларнинг номларидан иборат. Бунинг асосий сабаби, туркий халқларда овчилар фақат шахсий манфаат учунгина овчилик билан шуғулланган эмас(9, 93). Улар қўшни давлатларга, шу жумладан, Россияга ҳам турли хилдаги овланадиган қушларни сотишни йўлга қўйиб борган. Бу эса ўз навбатида, туркий қуш номларининг рус тили лексикасидан жой эгаллашини таъминлаб берди. Масалан, Н. К. Дмитриев ўзининг “Шоҳ Алексейнинг овчи қушлар ҳақидаги номенклатурасида туркий лексика элементлари” номли асарида туркий тиллар қатламига хос анчагина қуш номлари келтирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади(10, 13–16).

Ҳозирги рус тилида ва унинг шеваларида қуйидагидек кўпчиликка анча таниш бўлган туркий қуш номлари қўлланилади: *кеклик, карабаур, кашкалдак, каравайка, улар, капга* ва бошқалар. *Қарға* орнитоними болгар тилида «*гарга*» формасида кенг қўлланилади(11, 52).

Туркий орнитонимларнинг муайян қисми бошқа тилларнинг луғат таркибига ҳам кириб борган. Масалан, туркий халқларнинг эски даврларидаёқ тат тилидан ҳозирги туркий тилларга учрамайдиган қуш номлари ўзлаштирилган ёки бир қанча ўзгарган шаклда фақат шеваларда

сақланиб қолган. Масалан, *ügür* “тўда, қушлар тўдаси”, *garliɣaz* – қалдирғоч, *qaragaz//ɣaraɣaz* – тырна, *küngür* – бойўғли(12, 76) ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, қорақалпоқ тилининг орнитологик лексикаси таркибидаги куш номларининг катта қисмини бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ташкил этади. Бундай атамалар тилимиздаги бошқа ўзлаштирилган сўзлар каби кучли ассимилияцияга учраганлиги боис, оддий нутқ жараёнида уларнинг ўзга тил элементлари эканлигини аниқлаш қийин, улар ўз сўзларимиз каби кенг кўлланилади. Фақат этимологик тадқиқотлар орқалигина бундай сўзларнинг тарихини аниқлаш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Санжеев Г.Д. К вопросу о тюркских заимствованиях в монгольских языках/ «Лингвистический сборник», посвященный 60-летию со дня рождения В.В.Решетова. – Ташкент, 1971.

2. Арабско-русский словарь. – Москва, 1967.

3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. – Москва, 1965.

4. Базарова Д.Х. История формирования и развитие зоологической терминологии узбекского языка. – Ташкент: Фан, 1978.

5. Шанский Н.М., Иванов В.В., Шанская Т.В. Краткий этимологический словарь русского языка. – Москва, 1961.

6. Мелиоранский П.М. Араб-филолог о монгольском языке. – СПб. 1903.

7. Сетаров Д.С. Тюркизмы в русских названиях птиц//Тюркология. 1970, №2.

8. Шипова Е.Н. Словарь тюркизмов в русском языке. – Алма-Ата, 1976.

9. Гусейнзаде А. К этимологии топонима *Kušču* // Тюркология. 1971. № 6.

10. Дмитриев Н.К. Турецкие лексические элементы в номенклатуре соколов царя Алексея Михайловича. ДАН серия «В», 1926.

11. Чумбалова Г.М. Тюркские лексические элементы в языке романа И.Вазова «Под игом»// Тюркология. 1975. №2. – С. 48–54.

12. Ахмедов Т.М. Некоторые древнетюркские слова в татском языке//Тюркология. 1971. №6.